



**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ**

19.01.2022 йил Гулистон шаҳар

Низом ва ишоннома асосида фаолият юритувчи "Хулудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали(бундан кейин "Таъминотчи" деб аталади), раҳбари Ж.И.Хидиров, бир тарафдан, ҳамда Низом(Устав, Ишоннома) асосида фаолият юритувчи Авфозабо Таъминотчи (Истеъмолчи номи) раҳбари А.А.Ахмедов

(бундан кейин "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари (иккинчи тарафдан, қуйидагилар ҳақида мазкур шартнома шартномани тўздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Таъминотчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртмаомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Таъминотчигазни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифициратга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Таъминотчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. 2022 йилда Истеъмолчига техник шартларда белгиланган босим бўйича қуйидаги газ ҳажми етказиб берилади:

I чорак	13 8502	минг куб.м.	январь	77500	февраль	16900	март	28000
II чорак		минг куб.м.	апрель		май		июнь	
III чорак		минг куб.м.	июль		август		сентябрь	
IV чорак		минг куб.м.	октябрь		ноябрь		декабрь	

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаомани тақдим этмаса, Таъминотчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Таъминотчи Истеъмолчи балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган бўлиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой доирасида қайта қўриб чиқиши мумкин.